



185

2013 у.г. «17» апрель

№ 89-Қ

Samarqand sh., – г. Самарканд

“Зарафшон” дарёси ўзанидан 1,5 км узунликдаги 37,5 гектар ер майдонини “Продукт Плаза Строй” масъулияти чекланган жамиятига дарё оқимини тартибга солиш ва ўзанини тозалаш жараёнида қазиб олинган кум ва шағални қайта ишлаш мақсадида бириктириб бериш тўғрисида

“Продукт Плаза строй” масъулияти чекланган жамиятининг вилоят ҳудудидан оқиб ўтаётган “Зарафшон” дарёси ўзанини тозалаш, дарёнинг оқимини тартибга солиш ва ўзанини тозалаш жараёнида инерт материаллари (кум, шағал)ни қайта ишлаш учун ер майдонини бириктириб бериш тўғрисидаги 2013 йил 5 январдаги мурожаатига асосан, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2011 йил 2 августдаги 18/649з-сонли, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2013 йил 24 январдаги 01-91-сонли ҳамда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2013 йил 27 февралдаги 01/108-сонли хулосаларини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Продукт Плаза строй” масъулияти чекланган жамиятига вилоят ҳудудидан оқиб ўтаётган “Зарафшон” дарёсидан дарёнинг оқимини тартибга солиш ва ўзанини тозалаш мақсадида инерт материаллари (кум, шағал)ни қазиб олиш ҳамда қазиб олинган инерт материалларини қайта ишлаш учун дарё ўзанидан “Самарқанд-Тошкент” эски кўпригидан 5 км юқори қисмидан эни 25 метр бўлган 1,5 км узунликдаги 37,5 гектар ер майдони бириктириб берилсин.

2. “Продукт Плаза строй” масъулияти чекланган жамияти (С.Ўлмасов)га “дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тўғрилашни ташкил қилиш” лойиҳаси асосида давлат экологик экспертизасининг 2011 йил 2 августдаги 18/649з-сонли ижобий хулосаси талаблари тўлиқ бажарилгандан кейин ҳамда экологик оқибатлар лойиҳасига Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олингандан сўнг, шунингдек Зарафшон қўриқхонаси тартибларига риоя қилиш шарти билан дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тўғрилаш ҳамда қайта ишлаш мақсадида инерт материаллари (кум, шағал) қазиб олишга рўздат берилсин.

3. Вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (З.Жамолов) ва Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Ғ.Қосимов)лар Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли “Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли “1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат дастури тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, давлат экологик экспертизасининг 2011 йил 2 августдаги 18/649з-сонли ижобий хулосаси талабларига қатъий риоя қилинишини назоратга олишни таъминласинлар.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Алиходжаев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



[Handwritten signature]

З.Мирзаев